

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИ
САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

Камолахон Равшановна НАСУРОВА

мустақил изланувчи

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: www.k.nasurova@mail.ru

Аннотация

Мақолада таълим тизимининг мамлакат иқтисодиётига таъсири, Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимини молиялаштириш тартиби, натижавийликка кўра молиялаштириш имкониятлари, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришнинг хориж тажрибалари ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини асослаш каби масалалар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: мактабгача таълим, бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, маҳаллий бюджет, натижавийликка кўра молиялаштириш, самарадорликни баҳолаш, бюджет харажатлари, бюджет даромадлари, молиявий ресурслар, таълим хизматлари, технологик ресурслар.

**ОЦЕНКА ЭФФЕКТИВНОСТИ МЕХАНИЗМА ФИНАНСИРОВАНИЯ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
ОРГАНИЗАЦИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ**

Камолахон Равшановна НАСУРОВА

независимый исследователь

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail: www.k.nasurova@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются такие вопросы, как влияние системы образования на экономику страны, порядок финансирования системы дошкольного образования в Узбекистане, возможности финансирования по результатам, зарубежный опыт финансирования деятельности дошкольных образовательных организаций и обоснование их эффективного использования.

Ключевые слова: дошкольное образование, бюджет, внебюджетные фонды, местный бюджет, целевое финансирование, оценка эффективности, расходы бюджета, доходы бюджета, финансовые ресурсы, образовательные услуги, технологические ресурсы.

XXI асрда таълим тараққиёти, жаҳон иқтисодиётининг барқарор прогрессив ўсиш суръатлари, жамият тараққиётининг стратегик ресурси, миллий манфаатлар ва жаҳон миқёсида мамлакатлар иқтисодиёти

рақобатбардошлигини таъминловчи асосий воситага айланди. Шу сабабли, ҳар бир мамлакатда таълим тизимини ривожлантириш жараёнида кенг кўламли сифат ўзгаришларини таъминлаш, таълим тизимининг барча босқичлари учун фундаментал хусусиятларга эга бўлган сифат ва самарадорликни ошириш билан боғлиқ бошқарувни мувофиқлаштириш, молиявий, кадрлар, ахборот, технологик ресурсларни излаш ва улар ўртасидаги интеграцион жараёнларни таъминлашга устуворлик берилмоқда. Бу каби қатор ҳолатлар таълим тизимининг барча босқичлари учун индивидуал аҳамиятга эга бўлган ёндашувларни амалга ошириш, ҳар бир босқичга мувофиқ чора-тадбирлар тизимини шакллантириш ва амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Таълим тизими самарадорлигини таъминлашда мактабгача таълим ва уни ривожлантириш жараёнларига эътибор қаратиш алоҳида аҳамиятга эга. Мактабгача ёш даври боланинг ҳаётидаги энг муҳим босқичлардан бири ҳисобланиб, у таълимнинг барча босқичлари учун муҳим характер касб этади. Ушбу даврда бола танасининг барча тизимлари ва функцияларининг интенсив ривожланиши, камолотга эришиши содир бўлади. Боланинг бўйи ўртача 20-25 см ўсиб, тана вазни ва мия ҳажми ортиши ҳисобига асаб тизимининг юқори нерв фаолияти ривожланади. Ушбу масалага доир қатор вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган бўлиб, бу борада мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштиришнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш, мактабгача таълим тизимини молиялаштиришнинг ҳозирги ҳажми, туғилишнинг ўсиши динамикаси сақланиб қолаётган бир пайтда, мактабгача ёшдаги болаларнинг қамровини мавжуд даражада сақлаб туриш, молиялаштиришнинг янги нормативларини ишлаб чиқиш ҳисобига мактабгача таълим хизматларидан кенг аҳоли қатламлари фойдаланишини таъминлаш, молиявий назорат, мактабгача таълим ташкилотлари томонидан

бюджет қонунчилиги бузилишининг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни талаб этади [1].

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш жараёнлари С.В.Кузнецова, А.Н.Ильченко тадқиқотларида алоҳида ўрин эгаллайди. Тадқиқот жараёнида мактабгача таълим хизматларига бўлган эҳтиёж ижтимоий-демографик омиллар таъсирида ўзгариши, мактабгача таълимни самарали фаолияти унинг фаолият юритиш жараёнларини тўғри таҳлил қилишга асосланган прогноз натижаларига асосланиш қайд этилади. Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиявий тартибга солиш, бу билан мақсадли мос воситаларни танлашда математик усуллар ва моделлардан фойдаланиш тавсия этилади [3].

Ушбу масалалар М.М.Янсон тадқиқотларида ўз аксини топган. Унга кўра, мактабгача таълим тизимида давлат бюджети орқали таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини яхшилаш учун турли молиялаштириш манбалари муҳокама қилиниб, бу борада тегишли хулоса чиқариш учун таълим ташкилотларини молиялаштиришнинг 3 йиллик молиялаштириш жараёнлари бўйича қиёсий таҳлилларини амалга ошириш тавсия этилади [5]. Шунингдек, А.Ф.Абдуллаевнинг тадқиқотларида мактабгача таълим ташкилотларини қўшимча молиялаштириш манбаини шакллантиришда, пулли таълим хизматларини жорий этишни гуруҳлар кесимида табақалаштириш орқали бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш таклиф этилган [2].

Х.Б.Назаров илмий тадқиқотларида мактабгача таълим ташкилотларида таълим сифатини баҳолаш муаммолари ва жаҳон амалиётида мавжуд бўлган таҳлил асосида таълимга бюджет харажатлари самарадорлигини баҳолашга нисбатан услубий ёндашувлар муҳокама қилинади [4].

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини “молиялаштириш механизми”, мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштиришда давлат томонидан

тегишли молиявий ресурсларнинг турли шакллари ва усулларидан фойдаланиш комбинацияси ҳисобланади.

Ўзбекистонда Республикасида мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожланиш концепциясига мувофиқ, мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш механизми самарадорлигини таъминлаш, давлат молия тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланиб, бу орқали таълимнинг конституциявий кафолатларини таъминлаш, мактабгача таълим тизимининг замонавий мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришнинг шаҳар ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, давлат халқ таълимини ривожлантиришнинг оптимал бюджет харажатларини таъминлаш каби қатор мақсад ва устувор вазифалар белгиланган. Бу борада, молиялаштириш жараёнида бюджет маблағларидан фойдаланиш тизимининг асоси сифатида, мактабгача таълим ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари кенгайтириш, аҳолининг кам таъминланган қатламлари фарзандлари учун сифатли таълим олишни таъминлаш, мактабгача таълимнинг ижтимоий эҳтиёжларини тўлиқ қамраб олишга йўналтиришга алоҳида эътибор берилган.

Бизнингча, бу мактабгача таълим ташкилотларининг ноишлаб чиқариш соҳасида фаолият олиб боришини ҳисобга олиб, ташкилотларнинг фаолиятига доир тижорат йўналишининг молиявий механизминини шакллантиришга асос яратади.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш механизмининг таркибий тузилиши молиявий муносабатларнинг хилма-хиллигига мос келадиган турли элементларни ўз ичига олади. Айнан молиявий муносабатларнинг кўплиги молиявий механизмнинг кўп сонли элементларидан фойдаланишни белгилаб беради.

Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш механизми самарадорлигини баҳолаш жараёнларига доир таҳлил натижалари, мактабгача таълимни молиялаштиришда молиявий режалаш-

тиришнинг ўрни ва аҳамияти юқори эканлигини кўрсатади. Мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштиришда молиявий ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш тизимининг самарали амал қилиши замонавий таълим хизматларини ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга асос яратади.

Мактабгача таълим ташкилотларини ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириш жараёни қуйидаги тамойилларга асосланади:

– мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти муниципал топширик асосида унинг таъсисчиси томонидан молиялаштирилади;

– мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш мактабгача таълим дастури бўйича бир тарбияланувчига тўғри келадиган идоровий ва маҳаллий молиялаштириш стандартлари асосида амалга оширилади;

– молиялаш стандартлари кўрсатилаётган хизматларнинг ўзига хос хусусиятларини ва мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятининг ҳудудий хусусиятларини ҳисобга олиш, мактабгача таълим ташкилотларидаги таълим жараёни ва бинолар, иншоотларни эксплуатация қилиш билан боғлиқ жорий харажатларни қоплаш учун етарли бўлиши;

– мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш схемасини тегишли намунавий низом билан белгилаш ва бошқалар.

2020–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотларининг умумий кўрсаткичлари таркибида бу борадаги сифат ўзгаришлари таъминланган. 2020 йилда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотларининг умумий кўрсаткичи 18345 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилда ушбу кўрсаткич қўшимча 49 фоизга ошиб, 27303 тага етган (1-жадвал).

1-жадвал

2021–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотларининг кўрсаткичлари[6].

| Кўрсаткичлар | 2020 | 2021 | 2022 |
|---------------------------------------|-------------|-------------|-------------|
| Мактабгача таълим ташкилотлари сони | 18345 | 22429 | 27303 |
| шундан: | | | |
| Давлат мактабгача таълим ташкилотлари | 5981 | 6031 | 6387 |

| | | | |
|--|--------|--------|--------|
| ДХШ асосидаги мактабгача таълим ташкилотлари | 1166 | 1200 | 1345 |
| Оилавий мактабгача таълим ташкилотлари | 10771 | 14579 | 18797 |
| Хусусий мактабгача таълим ташкилотлари | 427 | 619 | 774 |
| Қуввати (минг ўрин) | 852,5 | 856,2 | 858,3 |
| Гуруҳлар сони (минг бирлик) | 46 | 46,3 | 46,8 |
| Тарбияланувчилар сони (минг киши) | 1608,0 | 1715,3 | 1918,1 |
| шундан: | | | |
| Давлат мактабгача таълим ташкилотларида (минг киши) | 1130,7 | 1153,3 | 1311,0 |
| ДХШ асосидаги мактабгача таълим ташкилотларида (минг киши) | 107,5 | 118,3 | 133,0 |
| Оилавий мактабгача таълим ташкилотларида (минг киши) | 369,7 | 443,7 | 494,0 |
| 3-7 ёшдаги болалар сони (минг киши) | 2792,8 | 2876,6 | 2927,4 |
| Болаларнинг мактабгача таълим билан қамрови,% | 58 | 63 | 67 |

2020–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим ташкилотлари кўрсаткичларининг умумий таркибида давлат хусусий шерикликлиги соҳасидаги мактабгача таълим ташкилотлари сонини 1166 тадан 1345 тага етказиш билан боғлиқ вазифаларнинг қайд этилганлиги, мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлашда давлат хусусий шериклик тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ давлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш давлат бюджети маблағлари, мактабгача таълим ташкилотларида болаларни парваришлаш, овқатлантириш ва уларга қараб туриш учун олинадиган тўловлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий механизмини такомиллаштиришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ этишга зарурият, таълим хизматлари бозорида талаб ва таклиф ўртасидаги номувофиқлик ҳолатларини вужудга келиши орқали ортиб боради. Айниқса, бозор муносабатлари шароитида таълим соҳасидаги маблағларнинг етишмаслиги таълимга бўлган талаб, таълим хизматларининг

кенг доираси ва хизматлар истеъмолчилари учун чекланган имкониятлар орқали намоён бўлади.

Мактабгача таълим ташкилотларида молиялаштириш тизимидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, молиялаштириш тизимини амалга оширишнинг янги моделлари, тизим элементлари мувофиқлигини молиялаштириш манбаларига йўналтириш орқали молиялаштиришда тегишли самарадорликни ошириш талаб этилади. Бу, ўз навбатида, мактабгача таълим ташкилотлари ўртасидаги янги алоқаларни шакллантиришда тизимли ёндашувни амалга ошириш, таълимни молиялаштиришнинг янги моделлари бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларнинг мос пропорциясини таъминлаш учун хизмат қилади.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш шакллари ва уларнинг тузилмавий таркибини ҳудудлар ўртасидаги мувофиқлигини таъминлаш орқали мактабгача таълимни молиялаштириш жараёнида мақсадли кўрсаткичларга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси». Lex.uz
2. Абдуллаев А.Ф. Ўзбекистонда Мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштиришни такомиллаштириш: иқт.фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) илм.дара.олиш учун дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 61 б.
3. Кузнецова С.В, Ильченко А.Н. Проблемы финансирования дошкольных образовательных учреждений (ДОУ) // Современные наукоемкие технологии, 2008. – № 4. – С. 170-172
4. Назаров Х.Б. Мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш самарадорлигини баҳолаш усуллари. // "Science and Education" Scientific Journal Volume 1 Issue 2.

5. Янсон М.М. Источники финансирования модернизации материально-технической базы государственных бюджетных общеобразовательных и дошкольных образовательных учреждений Санкт-Петербурга //Молодой ученый, 2021. № 2 (344). – С. 288-292.

6. Ўзбекистонда фуқаролар учун 2022 йил бюджет лойиҳаси. – Тошкент, 2021.